КОРХОНАЛАРГА БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КУРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
мустақил изланувчи, ЖХУ
paa0077uzsher996@gmail.com
+998909019121

Аннотация: Мақолада бухгалтерия аутсорсинг хизматининг ахлоқий профессионаллик, профессионалликга эришиш бўйича тавсияла, аутсорсер бухгалтернинг мақомикабилар келтирилган.

Калит сўзлар: Аутсорсинг, бухгалтерия аутсорсинг хизмати, бухгалтерия аутсорсингда профессионаллик, бухгалтерия аутсорсингнинг хусусиятлари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ УСЛУГ БУХГАЛТЕРСКОГО АУТСОРСИНГА ПРЕДПРИЯТИЯМ

Аннотация: В статье представлены этический профессионализм бухгалтерской аутсорсинговой службы, рекомендации по достижению профессионализма, статус бухгалтера-аутсорсинга.

Ключевые слова: аутсорсинг, услуги бухгалтерского аутсорсинга, профессионализм в бухгалтерском аутсорсинге, особенности бухгалтерского аутсорсинга.

IMPROVING THE PROVISION OF ACCOUNTING OUTSOURCING SERVICES TO ENTERPRISES

Abstract: In the article, ethical professionalism of accounting outsourcing service, recommendations on achieving professionalism, status of outsourced accountant are presented.

Keywords: Outsourcing, accounting outsourcing service, professionalism in accounting outsourcing, features of accounting outsourcing.

Кириш

Асримизнинг кейинги 10 йиллигидаги глобал ўзгаришлар, хусусан иқтисодиётни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланиши, кеомпьютер технологияларининг такомиллашуви, бир сўз билан айтганда иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришга бўлган эҳтиёжни ортиши ахборотлар алмашинуви тизимига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда чет эл тажрибаларини тадбиқ этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан бухгалтерия аутсорсинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аутсорсерлар сифатида профессионал бухгалтерлар ва аудиторларга ўзига хос талабларга қўйилган: муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиш, умумий қадриятлар ва хулқ-атвор кодексига риоя қилиш, жамият олдидаги бурчларини англаш кабилардир. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи истеъмолчиларнинг касбий этика талабларига мувофиқ ишлайдиган бухгалтерлик касбининг бухгалтерия аутсорсинг вакилларига бўлган ишончини ошириш омилини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бухгалтерия аутсорсинг фирмалари томонидан тақдим этиладиган бухгалтерия хизматлари сифат жиҳатдан талабларига жавоб бериши керак, бу эса, - бухгалтерия аутсорсинг жараёнларини бошқариш мақсадини тушуниш учун мўлжалланган.

Бухгалтерия аутсорсерларининг ахлоқий тамойиллари

Ахлоқий тамойиллар	Таъриф
Ҳалоллик	Аутсорсерларнинг мижоз фаолиятига холисона баҳо бериши ва уларга кўрсатиладиган бухгалтерия аутсорсинг хизматлари ишончлилигини кафолатлашларидир.
Объективлик	Мижоз корхонадаги ҳар бир воқеа ва ҳодисаларга объектив ёндашув асосида қарорлар чиқариш ва мижозга бухгалтерия аутсорсинг хизматларини кўрсатишда ҳар бир ўтказилган муомалаларни ўз ҳолича қабул қилиш ҳамда акс эттириш демакдир.
Касбий компетент-лилик	Аутсорсерларни ўз касбига бўлган меҳрлари, ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиши, ўз мажбуриятларини тўлақонли бажариши, касбий билим ва кўникмаларни қўллай олиши ҳамда шахсий фазилатларини ошкор қила олишидир.
Махфийлик	Ҳар бир жараённи бетараф қабул қилиб, мижоз тижорат сирлари махфийлигини таъминлаши, амалдаги қонунчиликка риоя қилиш, мижоз ва ўзини обрўсизлантиришга йўл қўймаслик.
Профессио-нализм (ўз касбини устаси бўлиш)	Аутсорсерларни бухгалтерия хизматларини кўрсатишда ўз билим ва тажрибаларини кўрсата олиши, хизмат кўрсатишда доимий сифатни ушлаб туриши ва ҳамкасбларни камситмаслик ҳамда уларга бўлган муносабатларда очиқликни таъминлашидир.

Мижоз корхона бухгалтерия ҳисобини юритишни аутсорсинг қилишни танласа ва бу самара берса, шатномалар узлуксизлигини таъминаш ва доимий ҳамкор сифатида кўришга интилади. Аутсорсерлар эса, мижоз талабларини бажариш ва доимий хизматлар сифатини таъминлашлари мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, мижоз корхона бухгалтерия маълумотларини шакллантиришда ахлоқий ва профессионаллик тамойилларини амалга ошириш қуйидаги талабларни таъминлайди, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:

• ишончлилик – бухгалтерия маълумотларидан фойдаланувчиларни энг ишончли манбалардан олинган маълумотлар билан таъминлаш;

• профессионаллик – аутсорсерлар томонидан юқори профессионалликка эга мутахассислар хизматлари билан таъминлаш;

• сифатли хизматлар – мижоз корхона маълумотларидан фойдаланувчиларга профессионал аутсорсер бухгалтер ходимнинг юқори сифат даражасидаги хизматлар кўрсатиш қобилиятини таъминлаш;

• ишонч – аутсорсерлар ва мижозлар ўртасидаги ўзаро ишончли ҳамкорликни таъминлаш ҳамда доимий ҳамкорларга айланиш.

Юқорида кўрсатилган сифат тавсифлари ва уни таъминлаш тизими учун зарур бўлган жараёнлар юқори бошқарув ҳаракатлари, ресурслар билан таъминлаш, маҳсулотни жорий этиш, ўлчаш, кўриб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай мижоз корхона раҳбари аутсорсерни танлашда амалда профессионал бухгалтер мақомига эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур, яъни:

1) амалиётчи профессионал бухгалтер;

2) профессионал бухгалтер;

3) ходим;

4) вазифаларни бажарувчи бухгалтер.

Мижоз корхона раҳбарлари ва мутахассислари одатда, аутсорсер бухгалтерни танлашнинг энг муҳим мезонларидан бири, мижозлар учун бухгалтерия хизматларини кўрсатишдаги мақбул нархлар билан бир қаторда аутсорсер бухгалтерларни ахлоқий ва профессионал тамойиллар ҳамда меъёрларга риоя қилиш асосида кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳисобланади.

Аутсорсер бухгалтернинг мақоми

Бухгалтернинг мақоми	**Таъриф**
Профессионал бухгалтер	ACCA, CPA, CIPA, CIMA каби халқаро сертификатларга эга бухгалтер
Амалиётчи бухгалтер	CAP сертификатига эга кўп йиллик тажрибага эга бухгалтер
Бухгалтер ходим	Олий маълумотли бухгалтер
Вазифани бажарувчи бухгалтер	Олий маълумотли бўлмаган ва профессионал бухгалтер ёки махсус ёки техник бухгалтерия топшириқ билан шуғулланадиган ҳар қандай мутахассис
Шогирд бухгалтер	Олий маълумотли ёки олий маълумоти бўлмаган ёш кадр

Аутсорсер-бухгалтер амалдаги қонунчилик талабларига ва мижоз корхонанинг ички стандартларига, хусусан, биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Бухгалтер-аутсорсингнинг ахлоқ кодекси ва мижоз корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби сифатини назорат қилиш” стандартига риоя қилиши шарт. Модомики шундай экан, бухгалтерия ҳисобининг мақсадлари, унинг сифати устидан ички назорат ва ташқи аудит сифатини назорат қилиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби ички сифат назорати остида бўлиб, унинг сифати, ўз навбатида, ташқи аудит томонидан баҳоланади.

Бизнинг фикримизча, аутсорсинг бухгалтерлари ўрта ва кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишда алоҳида ва муҳим иқтисодий вазифаларни бажариб келмоқдалар. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда аутсорсинг бухгалтерлари мижозлари орасида бизнес субъектлари ва тижорат корхоналари сони ортиб бормоқда, аммо уларнинг бухгалтерия ҳисоби аутсорсингини қамраб олиш шакллари ҳали ҳам тўлиқлилигича амалга оширилмаяпти. Молиявий ҳисоботлар маъулмотларидан фойдаланувчилар учун бухгалтерия ҳисоби аутсорсинг хизматлари сифатини тартибга солиш масалалари эса, муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, биз бухгалтерия аутсорсинг фирмаларига мижозларга кўрсатиладиган бухгалтерия хизматлари сифатини тартибга солишни таклиф қиламиз, уларни қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

• мижоз корхоналар вакиллари билан шахсий мулоқот ўрнатиш орқали янгича ва замонавий ғояларни ишлаб чиқиш;

• замонавий шароитларда бухгалтерия аутсорсингига бўлган эҳтиёжни доимий мониторинг қилиб бориш;

• бухгалтерия аутсорсинг хизматларига уларни тақдим этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун етарли эканлигини аниқлаш;

• бухгалтерия хизматлари бозорининг аутсорсинг фирмасининг мавжуд ташкилий-ҳуқуқий ва малакавий тузилмасига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

• замонавий хизматларни таклиф этиш ва уларни реклама қилиш бўйича ички режалар ишлаб чиқиш, хусусан, талабни рағбатлантириш мақсадида бухгалтерия хизматларининг турлари бўйича маълумотларни кенг кўламли фойдаланувчилар эътиборига етказиш.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган бухгалтерия аутсосринг фирмаларининг аксарияти 25-30 турдаги хизматларни ўз мижозларига тақдим қилмоқдалар, лекин ушбу хизматлар турлари халқаро миқёсда жуда камчиликни ташкил этади. Уларнинг фаолият турларини кенгайтириш ва хизматлар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ана шу мақсадда бизнингча, қуйидаги бухгалтерия аутсорсинг хизматлари турларини қўшимча равишда киритиш ва уларни хизматлар бозорига олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1. Автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби бўйича маслаҳат.
2. Корхонанинг алоҳида ҳудудларини бошқариш.
3. Бошқарув ҳисоби ва бюджетни ташкил этиш;
4. Бухгалтерия бизнес жараёнларини автоматлаштириш.
5. Бухгалтерия ходимларини аттестациядан ўтказиш.
6. Бухгалтерия ходимларини оптималлаштириш.
7. Бухгалтерия ҳисоби ходимлари учун тестларни ишлаб чиқиш.
8. Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини таҳлил қилиш.
9. Бухгалтерия ҳисоби учун IT тизимларига техник хизмат кўрсатиш.
10. Бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини таҳлил қилиш.
11. Дью дилиженс.
12. Жисмоний шахслар учун солиқ декларациясини тайёрлаш.
13. Ички стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
14. Кадрлар ҳужжатларини тиклаш.
15. Корхонада бухгалтерия ҳисоби ҳолатининг ички аудити ва солиқ текшируви учун ҳужжатларни тайёрлаш.
16. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва ҳисоб сиёсатини шакллантириш.
17. Шартномаларни ишлаб чиқиш.
18. Молиявий хизматларни ташкил этиш ва назорат қилиш.
19. МҲХС талабларига мувофиқ ҳисоботларни трансформация қилиш.
20. МҲХСга ўтишга тайёргарлик кўриш, жорий этиш ва қўллаш бўйича маслаҳатлар.
21. Солиқ ва бухгалтерия ҳисобини тиклаш.
22. Солиқ ва солиқ ҳисоби бўйича маслаҳатлар.
23. Солиқ низоларида вакиллик қилиш.
24. Солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни солиштириш.
25. Солиқларни режалаштириш.
26. Ходимларни синовдан ўтказиш (KPI) тизимини, ходимларни танлаш ва ишга қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
27. Хорижий давлатларнинг қонунчилиги соҳасидаги хизматлар.
28. Хўжалик ичидаги заҳираларни аниқлаш.
29. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.
30. Ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган бухгалерия аутсорсинг сохасида профессионалликга эришиш жаҳон талабларига жавоб бера оладиган хизматларни кўрсатиш учун юқорида келтирилган таклиф ҳамда тавсияларга таяниш ушбу соҳани янада ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 142-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 03/20/660/1682-сон; *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон*
3. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси – Т.: 2003. – 186 б.
4. www. buhgalt.ru
5. www. cer.uz (Иқтисодий изланишлар маркази)
6. www. dissertation.ru www. gcomim.uz

WORDLY KNOWLEDGE